

Кўриш бошқа, ишониш бошқа...



12:16 / 29 январь 2513

Муаллим дарсни тугатиб, синфдан чиққач, ўқувчилардан бири унинг орқасидан югурди. Ўқитувчилар хонасининг эшиги олдида унга етиб олгач, ташвишли ва хавотирли оҳангда:

- Устоз! Кечирасиз, бир саволим бор эди. Дарсда сўрашга уялдим..., деди.

Кўлларини қовуштирган-ча, ерга қараб:

Мени нотўғри тушунмайсиз деб ўйлайман, мақсадим ҳамма нарсанинг тўғриси билиш, - деди.

Муаллим эса табассум билан:

- Тортинма, бемалол сўрайвер, деди.

Ўқувчи: Ҳалиги... дея бошлади сўзини, дарсда фаришталар ҳақида гапирдингиз, биз бу мавжудотларни ҳеч кўрмаган бўлсак, борлигига қандай ишонамиз?...

Жуда осон, - дея жавоб берди муаллим, мисол учун, кўриш билан ишонишнинг бошқа-бошқа нарсалар эканини идрок этган ҳолда...

Ўқувчи «тушунмадим» дегандек, ҳайратомуз муаллимга боқди. Муаллим эса эшикни очиб, уни ўқитувчилар хонасига олиб кирди-да, бир стулга ўтирғизди. - Қара, - деди хотиржам оҳангда, ишониш қалбга хос хислат. Инсон ишонишга турли йўллар орқали етишади. Кўриш ана шундай йўллардан фақат биттаси, холос.

Овқатнинг мазасини тилимиз билан «кўрамиз» ва мазасини билгач, ишонамиз. Ҳолбуки, кўзимиз таъм ва мазалар оламини мушоҳада қилишда мутлақо кўрдир. «Радиони қўй-чи, нима бўлаётган экан», дейилса, қулоғимиз ишга тушади. Товуш ва овозлар оламини қулоғимиз билан «томоша қиламиз». «Мана бу одамга қара, намуноча кибрли бўлмаса» дейилган-да, у одамдаги хатти-ҳаракатлардан ақлимиз билан бир маъно чиқариб, шундай қарорга келамиз. Ҳақиқатни топишда кўришни ягона восита ҳисобловчилар инсондаги барча ҳис-туйғу аъзоларини битта қилиб қўйган, бу ҳам етмагандек, ақл ва виждоннинг вазифасини ҳам кўзга юклаб қўя қолган бўлишади. Бу сўзларнинг ўқувчига кўрсатган таъсири унинг юзидан сезила бошлаган эди. Муаллим давом этиб:

Сенга сўзим охирида яна бир нарсани айтиб берай, - деди ва кўрсаткич бармоғини ўқувчининг пешонасига енгилгина теккизиб:

- Мана шу тери қаватини хаёлан юзингдан ажратиб, орқасидаги гўштларни ҳам бош суягингдан шилиб ол. Баданингни ҳамма жойида худди шу ишни қил. Оқадиган қонларни тўпла. Гўштларни ҳам алоҳида қилиб жамла. Ички аъзоларингни ҳам ёнма-ён териб қўй. Кейин ана шу гўшт, суяк, қон, илик уюмларининг рўпарасига келгин-да, ўзингга ўзинг савол бер: «Ақлим қаерда, хотирам, виждоним қани, севги, кўрқув, қизиқиш каби туйғуларим қаерда қолди? Ҳис-ҳаяжонли ички дунём қаёққа кетди?»

Шундан сўнг: «Бу жисмимда шунча кўринмас оламларни яратган Аллоҳ, албатта, бу улкан коинотда ҳам мен асл моҳиятларини билмайдиган қанчадан-қанча руҳоний мавжудотлар фаришталарни яратгандир...» дегин. Ана шундай тафаккур орқали фаришталар оламини томоша қилишинг мумкин бўлади... - деди.

Шу пайт қўнғироқ чалинди. Муаллим:

- Қолганини дарсда гаплашамиз, дея ўқувчисини кузатиб қўйди. Бола синф хонаси томон югурар экан, юзида шубҳа ва гумондан асар ҳам қолмаган, қалби севинч ва ҳузурга тўла эди....

«Ҳидоят далиллари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 30 декабр03-07/8108-сонли хулосаси асосида тайёрланди.